Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 28 (6. 817) 1989 йил 3 февраль, жума Баҳоси 3 тийин

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

Совет жамияти турмуш фаолиятининг ҳамма соҳаларини муқаррар янгилаш жараёни шароитида республика аҳолиси барча табақаларининг ижтимоий активлиги сезиларли даражада ўсди. Мазкур жараён турлича ўтмоқда, чунки ҳозир ҳамма демократия маданиятини ўрганмоқда, фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги мактабидан ўтмоқда. 2 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида фан ва маданият арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувда қайта қуриш шароитида илмий-техникавий ва маънавий резервдан янада тўлароқ фойдаланиш вазифалари тўғрисида гап борди.

Учрашувга область партия комитетларининг биринчи секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари, областлар, Тошкент шаҳар ва район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг маданият масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари, маданият ва санъат муассасалари, ижодий союзлар ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари таклиф этилди. Тошкентдаги турли жамоат ташкилотлари, йирик саноат корхоналари ва бирлашмаларининг вакиллари, олимлар, ёзувчилар, архитекторлар, рассомлар, актёрлар, журналистлар улар билан бирга залда ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Илмий ва санъаткор зиёлиларнинг ижодий кучлари қайта қуришга хизмат қилсин» деган мавзуда доклад қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов, Республика табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг раиси О. А. Алимов, «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори Ў. Ҳошимов, Тошкентдаги М. Горький номли Давлат академик рус драма театрининг бош режиссёри В. А. Гвоздков, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари К. Тожихўжаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари О. Ёқубов, Тошкент политехника институтининг ректори А. Т. Жалилов, Ўзбекистон журналистлар союзи правлениесининг раиси А. Ғ. Мухторов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари М. Солиҳ, Оролни қутқариш жамоат комитетининг раиси П. Шермуҳамедов иштирок этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари В. П. Анишчев, П. В. Догонкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, В. И. Огарок, Қ. Салиқов, М. Ҳ. Ҳолмуҳамедов, Ҳ. Алимова, А. С. Ефимов, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Т. А. Ешимбетова ва А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Р. Отажонов, К. Х. Маҳамадалиев, В. В. Судаpенков, С. У. Султонова қатнашдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Н. Лаврентьев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

# ИЛМИЙ ВА САНЪАТКОР ЗИЁЛИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ КУЧЛАРИ ҚАЙТА ҚУРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

## Р. Н. НИШОНОВ доклади

Ҳурматли ўртоқлар!

Аввало сизларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси номидан самимий табриклашга ва янги йилда ижодингизга барака, барча ишларингизда муносиб ижодий зафарлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Биз илмий ва санъаткор зиёлиларнинг намояндалари билан Марказий Комитетда ҳам, ижодий союзларда ҳам неча марталаб учрашганмиз. Ҳар бир мана шундай учрашув мазмундор ўтган, ўз хусусиятларига эга бўлган. Биз ҳаммамиз муаммоли масалаларнинг муҳокамасини принципиал негизда ва шу билан бирга рўй-рост, сидқидиллик ва ўртоқлик муҳитида ўтказишга якдиллик билан интилиб келганмиз. Бугунги суҳбатимиз ҳам айни мана шундай амалий руҳда ўтишига тилакдошмиз.

Бу учрашувнинг зарурлиги равшан. Бизнинг бирбиримизга айтадиган гапларимиз, биргаликда фикрлашиб оладиган масалаларимиз бор. Ҳозир Совет давлати ўз тарихининг бениҳоя масъулиятли, бурилиш даврини бошдан кечирмоқда. Тобора кучайиб бораётган қайта қуриш ўз ривожининг янги босқичига кирди. Қайта қуриш концепцияси, унинг назарияси ва практикаси асосан таърифлаб, асослаб берилди, энг катта, стратегик муҳим соҳаларда зарур қарорлар қабул этилди. Эндиликда бутун сиёсий, ташкилотчилик ва хўжалик ишининг оғирлик маркази ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш соҳасига узил-кесил ўтказилмоқда. Ҳамма жойда СССР халқ депутатлари сайловига бағишланган сайлов кампанияси авж олиб бораётганлиги ҳозирги пайтга алоҳида аҳамият бахш этмоқда, бу кампания чоғида сиёсий ислоҳотнинг: бутун ҳокимият — Советларга, деган энг асосий ғояси турмушда рўёбга чиқарилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми кейинги вақтдаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладида, Пленумда қабул этилган партияга, совет халқига Мурожаатномада КПСС Марказий Комитетининг сайловолди сиёсий платформаси баён этилди, қайта қуришнинг дастлабки йиллари якунлари чиқарилди, партиянинг яқин келажакдаги фаолияти асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Пленум тақдиримиз ҳал бўлаётган мана шу даврда жамиятни янгилашнинг асосий ташкилотчи ва етакчи кучи бўлмиш партия зиммасига тушадиган катта масъулиятни англаб, рўй бераётган ўзгаришларни реалистик позицияларда туриб рўй-рост баҳолади, қайта қуришга халақит бераётган омилларни аниқ кўрсатиб ўтди. КПСС қийинчиликлар ва камчиликларни бартараф эта бориб, аввало ўзига, коммунистларга нисбатан талабчанликни ошираётганлиги таъкидланди.

Пленум партиянинг қайта қуриш йўлидан муттасил олға боришга, бутун куч, коллектив ақл-заковат ва коллектив иродани шу йўлга сафарбар этишга азму қарор берганини тасдиқлади. Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг турмушини ҳар томонлама яхшилаш партия бутун социал-иқтисодий сиёсатининг асл мақсади бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлиги тўғрисидаги фикр янги куч билан янгради. Халқ хўжалигини сифат жиҳатидан янгилаш ва юксалтиришнинг, социал соҳани жадал ривожлантиришнинг, мафкуравий ва маънавий тарбия соҳасида етилган муаммоларни ҳал этишнинг, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг, партия ва давлат ташқи сиёсий фаолиятининг аниқ-равшан йўллари кўрсатиб берилди.

М. С. Горбачевнинг ҳамда партия бошқа раҳбарларининг фан ва маданият арбоблари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувида шу ҳақда сидқидилдан қизғин ва амалий гаплашиб олинди. Бу учрашув маънавий-мафкуравий турмушни демократиялаш, ошкораликни ривожлантириш ва шу билан бирга, бу соҳада вужудга келган салбий ҳодисаларни бартараф этиш, жамиятда ишонч ва рўй-ростлик муҳитини вужудга келтириш, зиёлиларни қайта қуришнинг амалий вазифаларини ҳал этиш теварагида жипслаштириш йўлини мустаҳкамлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Жамиятда рўй бераётган кенг миқёсли ўзгартишларда илмий ва ижодкор зиёлиларнинг ўрни белгилаб берилди, қайта қуришнинг маданий қатламини бунёд этишга оид аниқ-равшан истаклар ва тавсиялар айтилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ҳужжатлари ҳам, партия раҳбарларининг фан ва маданият арбоблари билан учрашуви материаллари ҳам социал умидворлик, белгиланган режаларнинг ҳаммаси, албатта бажарилишига комил ишонч руҳи билан суғорилганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Совет кишиси бу ишончнинг асосий кафилидир. Ҳар биримиз ва ҳаммамиз биргаликда қайта қуришнинг тақдири учун жавобгармиз. Орамизда лоқайд ва беғам кишилар, бепарво кузатувчилар бўлмаган тақдирдагина муваффақиятга эриша оламиз. Катта-катта тадбирларни, илғор ислоҳотларни юксак интизом билан, ишга масъулият билан ижодий ёндашиш орқали мустаҳкамлаш зарур.

Чамаси, бугунги суҳбатимизга айни мана шундай позициялардан ёндашиш, республикада рўй бераётган ўзгаришларнинг баъзи масалаларини биргаликда муҳокама қилиш, янада дадилроқ олға бориш учун орттирилган тажрибани идрок этиш, йўл қўйилган хато ва нуқсонларни таҳлил қилиб, билиб олиш тўғри бўлур эди.

Аввало қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман. Мамлакатдаги бошқа қардош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам қайта қуришга тобора кўпроқ даражада қўшилиб бормоқда. Партия ташкилотлари коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини республика олдида турган долзарб иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этишга, бой табиий иқлим, ишлаб чиқариш имкониятларидан, меҳнат ва интеллектуал ресурслардан баракали фойдаланишга сафарбар этмоқдалар. Шу жиҳатдан ўтган йил жуда ибратли бўлди. Гарчи белгиланган ҳамма режаларга эриша олмаган бўлсак ҳам, ҳар ҳолда муайян силжишлар яққол кўриниб турибди.

Республика халқ хўжалиги бирмунча юқори суръатлар билан ривожланди. Миллий даромад 1987 йилдаги 0,8 процент ўрнига 5,1 процент кўпайди. Хўжалик механизмини қайта қуриш, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларига ўтказиш бу жараёнларга ижобий таъсир қилди. Истеъмолчининг бевосита манфаатлари, инсоннинг манфаатлари халқ хўжалиги кўпчилик бўғинларининг ишида амалий мақсад бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ меҳнатчилари пахта, пилла, дон тайёрлаш топшириқларини муваффақиятли бажардилар, гўшт, сут ва тухум етиштириш 1987 йилга нисбатан кўпайди. Аҳолининг реал даромадлари ошди.

Бироқ ҳали туб бурилишга эриша олганимиз йўқ. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари ҳали ҳам бир маромда ишламаяпти, уларнинг ишида жиддий нуқсонлар содир бўлиб турибди. Агросаноат комплексида республика шаҳар ва қишлоқларининг аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни сифат жиҳатдан яхшилашга эриша олмадик.

Капитал қурилишда асосий фондларни ишга тушириш ва капитал маблағларни ўзлаштириш планлари барбод бўлди. Уй-жой программаси қониқарсиз бажарилмоқда. Гарчи план умуман 700 минг квадрат метр миқдорида ошириб бажарилган бўлса ҳам, ўтган йили биз давлат капитал маблағлари ҳисобидан 330 минг квадрат метр саҳнли уй-жой биноларини кам олдик. Йил якунлари юзасидан бир қанча социал объектларни, шу жумладан мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, ҳунар-техника билим юртларини ишга тушириш планининг бажарилиши таъминланмаганлиги бизни айниқса ташвишга солмоқда.

Экология вазияти ҳаддан ташқари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ерларга ҳадеб пахта экилаверганлиги, далаларга химиявий моддалар ҳаддан ташқари кўп сочиб ташланганлиги, сув ресурсларидан ўйламай-нетмай фойдаланиб келинганлиги атроф муҳитни жиддий равишда бузиб юборди, хатарли касалликлар келиб чиқиши ва ёйилишига сабаб бўлди. Йўл қўйилган бузилишларни тугатиш соҳасида кўрилган чора-тадбирлар ҳали сезиларли натижа бергани йўқ.

Шундай қилиб, жуда мураккаб вазият вужудга келмоқда. Биз уни пардозлаб кўрсатишга ҳам, камайтириб талқин этишга ҳам мойил эмасмиз. Янгиланиш жараёнлари бизда ҳозирча жуда қийинчилик билан, баъзан ғоят оғриқли ва зиддиятли вазиятда ўтмоқда. Бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив тусдаги бир талай сабаблари бор. Бир томондан, ўтган йиллардаги бузғунчилик ҳаракатларининг оқибатлари биз ўйлагандан ҳам чуқурроқ ва асоратлироқ бўлиб чиқиб, ўзгартишлар динамикасига ҳамон таъсир ўтказиб келмоқда. Маълум бўлишича, нопок қўл билан қайта қуришга киришган республика аввалги бир қанча раҳбарларининг ночорлиги ҳам ўз асоратини қолдирганлиги, шубҳасиз.

Иккинчи томондан, ҳали қайта қуришнинг кўпгина воситалари чинакамига ишга солингани йўқ ва аввало иқтисодий ислоҳот кўнгилдагидек ишлай бошлагани йўқ. Кўпгина кадрлар раҳбарлик ва бошқаришга янгича ёндашувларни суст ўзлаштирмоқдалар, хўжалик юритишнинг самарали усулларини жорий этишга, иқтисодий алоқаларни тубдан ўзгартиришга ҳафсаласизлик билан қарамоқдалар. Меҳнаткаш инсоннинг умумхалқ мулкидан, ишлаб чиқариш воситаларидан ўтмишдаги бегоналашувини бартараф этишга, инсоннинг хўжайинлик туйғусини тиклашга, уни моддий ва маънавий жиҳатдан манфаатдор қилишга муваффақ бўлингани йўқ.

Умуман мамлакат учун характерли бўлган бошқа сабаблар ҳам иқтисодий аҳволга ўзининг салбий таъсирини ўтказди, албатта. Аҳолининг даромадлари билан харажатлари сурункали номутаносиблиги, истеъмол моллари ва хизматларнинг етишмаслиги, оғир молиявий вазият мана шу сабаблар жумласига киради. Зарар кўраётган корхоналар экономика гарданидаги оғир юк бўлиб турибди. Уларнинг сони гарчи икки ҳисса камайиб, кўраётган зарари 60 процент қисқарган бўлса ҳам, янги хўжалик механизми шароитида бундай корхоналарга тоқат қилиб бўлмайди. Агросаноат комплексидаги 72 та хўжалик банкрот, деб эълон қилинди ва иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлар билан бирлаштирилди.

Хуллас, муаммолар кўп. Уларни талабчанлик билан таҳлил этганда кўпгина камчиликлар ўзимизнинг хато ва нуқсонларимизга боғлиқ эканлиги равшан кўринади. Бир қанча партия комитетлари ва ташкилотларининг, совет, хўжалик органларининг фаолияти ҳали қайта қуриш тақозо этган талаблар даражасига кўтарилмаганини рўй-рост тан олмоқ керак. Шу сабабли, бугунги вазифа иш суръатини жиддий ва асосли равишда оширишдан, бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдиришдан, вазиятни амалий равишда яхшилик сари буриб юборишдан иборат.

Бу йўлда ҳозирнинг ўзидаёқ зарур қадамлар қўйилмоқда. Партия органларининг структураси обдон қайта қурилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, жойлардаги партия комитетларининг аппарати анчагина янгиланди, улар янги кучлар билан тўлдирилмоқда. Партиявий фаолият кундалик хўжалик ишларидан аста-секин ҳалос этилмоқда, сиёсий усуллар изига активроқ буриб юборилмоқда. Асосий соҳалар бўйича партия Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия комитетларининг комиссиялари тузилганини, улар фаолиятининг истиқбол программаси ишлаб чиқилаётганини биласизлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати республика иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги батафсил таклифларни тайёрлаб, СССР Министрлар Советига топширдилар. Бу таклифларда халқ хўжалигини ривожлантиришдаги ҳунук бузилишларни тузатиш ва халқ фаровонлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар эътиборга олинган.

Мана шундай шароитда рўй бераётган жараёнларни вазминлик ва фаҳм-фаросат билан идрок этиш, олдимизда турган вазифаларни ҳал этишнинг тўғри йўллари ва усулларини танлаб олиш, барча ижтимоий кучларни, аҳолининг ҳамма социал қатламлари ва группаларини жипслаштириш, уларни бунёдкорлик ишлари йўлига солиб юбориш алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ҳаммамиз кўриб турибмиз: қайта қуриш жамиятни оёққа турғазди, одамларни социал лоқайдлик ва маънавий мудроқликдан уйғотди. Ҳозир энг ўткир, энг долзарб муаммолар республикадаги қизғин мунозараларнинг марказида турибди. Ҳали яқиндагина бу муаммоларнинг кўпчилик қисми ҳақида лом-мим дейилмас, ёки бир чеккага суриб қўйилар эди. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, экология ва демография, пахта монокультураси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, ўзбек, рус тиллари ва бошқа тиллар муаммолари, маданий мерос, миллатлараро муносабатлар ва бошқа кўпгина масалалар шулар жумласига киради. Бу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан турли, баъзан эса, ҳатто бир-бирига мутлақо зид мулоҳазалар айтилмоқда. Мана шундай хилма-хил фикрлар, турли-туман қарашлар орасидан тўғриси қайсилигини аниқлаб олиш баъзан мушкул бўлиб қолмоқда. Бу ўринда вазминлик ва билимдонлик билан фикр юритиш, малакали таҳлил этиш айниқса муҳимдир. Бунинг устига жўшқин ҳаётимиз зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган тобора янги-янги муаммоларни кун сайин ўртага қўйиб турибди.

Ана шу мураккаб ва зиддиятли вазиятда интеллектуал кучларимизга, фан ва маданият арбобларининг улкан отрядига катта умид боғлаётганлигимиз тушунарлидир. Улар қайта қуриш жараёнларини ривожлантиришга, ижтимоий онгни янгилашга ва республикадаги бутун маънавий-сиёсий иқлимни ўзгартиришга сезиларли ҳисса қўшдилар ҳамда қўшмоқдалар. Мен бу гапларни шунчаки айтаётганим йўқ, балки ҳозирги пайтда илмий ва ижодкор зиёлиларнинг зиммасига тушаётган катта иш ва масъулиятни яна бир бор таъкидлаш учун айтяпман.

(Давоми 2-бетда).

● В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Георгий Георгиевич ЛАПИГИН

## Замондошимиз



Р. Шарипов фотоси.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

## Пухта ҳозирлик

Сайлов кампаниясининг иккинчи босқичи бошланди. Биринчи босқич бизнинг 598-Тошкент — Киров территориал сайлов округда ҳам муваффақиятли якунланди. Комиссиямиз аъзоларининг барча ишлари қатъий план асосида олиб борилди. Бунда, айниқса, йиғилишга мутасадди бўлган кишиларнинг хизмати каттадир. Ён дафтарларидан ўрин олган тадбирларни ўз вақтида ўтказишга эришишди.

Жойларда сайлов участкалари тузилди. Уларга билимдон ва ишчан кишилар масъул этиб тайинланди. Участка комиссияси аъзолари корхона, ташкилот, муассаса ва турар жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳам якунланмоқда. Меҳнаткашлар ўзларининг энг яхши ва ишончли вакиллари номзодини кўрсатишмоқда. Бу ишда кенг демократияга амал қилинмоқда. Чинакам халқ хизматига садоқатли кишиларгагина овоз берилмоқда.

Комиссиямиз олдида навбатдаги ишлар турибди. Эндиги вазифа округ сайловолди йиғилишини тайёрлаш ва уни ўтказишдан иборат. Сайлов тўғрисидаги янги Қонунга биноан бу тадбирни ўтказиш юзасидан ҳам қатор янгиликлар жорий қилинган. «Известия» газетасининг 24 январь сонида эълон қилинган округ сайлов олди йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги мақолани комиссиямиз аъзолари билан ўқиб ўрганиб чиқдик. Ишни шу асосда олиб бориш тадбирини белгиладик.

Хуллас, сайлов кампаниясида энг масъулиятли дамлар бошланмоқда. Уни муваффақиятли ўтказиш эса кўп жиҳатдан округ сайлов комиссияси аъзоларининг ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига боғлиқ.

**Т. МИРУСМОНОВА,**

**598-Тошкент — Киров территориал сайлов округи округ сайлов комиссиясининг секретари.**

## Чинакам халқ вакили

Янги Қонунда белгиланган СССР халқ депутатлари системаси ҳокимият олий органида чинакам халқ вакиллигини таъминлашга қаратилгандир. У омманинг бевосита олий органни белгилаш ҳамда ўзининг жамоатчилик ташкилотлари орқали фаол иштирок этиши учун асос яратади. Сайловларни ўтказишни чинакам демократик тартиби бунинг муҳим кафолатидир. Албатта бу меҳнаткашлар дилидаги муддао. Чунки бизга номигагина ишончли вакиллар эмас, балки чинакам ишлайдиган, эл-юрт манфаати йўлида жон куйдирадиган депутатлар керак.

Шу ўринда бир воқеани эслатиб ўтишни лозим топдик. Бир англашилмовчилик орқасида у эшикка, бу идорага чопдик. Охири маслаҳат билан депутатимизга мурожаат этдик. Унга бўлган бутун воқеани тушунтириб бердим. У истамайгина розилик билдирди: суд ишига аралашиш қандай бўлаpкин, майли бир уриниб кўрамизда,— деди.

Хуллас, шундай бўлди, мутасадди ўртоқлар депутат билан ҳушламай, менсимай гаплашишди.

Шунда мени бир нарса ўйлантириб қўйди. Хўш, адолатни қарор топтириш учун ҳаракат қилган депутатнинг фикрини ўша вақтда терговчи, прокурор, қолаверса суд раиси нега эътиборга олмади. Ахир халқ сайлаган депутатнинг обрўси шуми?

Демоқчиманки, эндиги сайланадиган депутатлардан умидимиз катта. Қолаверса, ҳар қандай муассаса ва ташкилот, у хоҳ маъмурий бўлсин, хоҳ ижро этувчи бўлсин депутатга ҳурмат билан қараши, унинг сўзини эътибор билан тинглаши лозим. Ахир депутатнинг чинакам халқ вакиллиги ҳам ана шундагина намоён бўлади.

**Қ. ИСОҚОВ,**
**қурувчи.**

## ЯНГИ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ

◎ «СОВПЛАСТИТАЛЬ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ истеъмоли молларининг турларини кўпайтириш устида қизғин изланиш олиб борилмоқда. Ҳозир бу ерда 30 хил истеъмол моллари ишлаб чиқарилаяпти. Ваннахона жиҳозлари, болалар кийим илгичи, патнислар, сунъий манзарали дарахтлар, чинни гул, атиргуллар, туристлар термалари шулар жумласидандир.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ истеъмоли моллари ҳажми бўйича январь ойи планини муддатидан олдин бажарди. Пландан ташқари 0,74 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 17 процентга ошди.

## ҚУЛАЙ ВА ИХЧАМ

◎ ЎЗБЕКИСТОН ССР Енгил саноат министрлиги Марказий лойиҳа-конструкторлик бюросининг мутахассислари тўқимачилар учун яна бир қулайлик яратдилар.

Бу ип тортадиган махсус қурилмадан фойдаланилса, тўқимачилик машинасида ип узилиши 25 процент камаяди. Янгилик бундан аввалги конструкцияларга нисбатан содда бўлиб, энг муҳими, керакли тарангликни автомат тарзда ушлаб туради.

Д. ОБЛАЕВ.

## ТАКОМИЛЛАШГАН АГРЕГАТ

● **УЧ ЯРИМ метргача чуқурликда бўлган ҳар қандай ерга дренаж қувурларини жуда тез ва аниқ ётқизишни таъминлайдиган мослама яратилди. Тошкентэкскаватор ремонти-тажриба механика заводида бундай агрегатни «Узоргтехмелиорация» тресги мутахассислари яратишди. ДУ—3502 агрегатини тармоқ мутахассислари энг яхши дренаж ётқизувчи мослама деб баҳолашмоқда.**

**Бу агрегат Сирдарё ва Жиззах чўлларида имтиҳондан ўтди. Яқинда корхонада янги мосламани ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади.**

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТРЛАРИ ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

20 февралдан 27 февралгача Тошкентда биринчи республика театр фестивали бўлади. Бир ҳафта мобайнида Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан келган 20 та профессионал драма коллективлари ўзларининг энг яхши спектаклларини кўрсатишади.

Фестиваль программасига кўра, ана шу спектакллар кенг муҳокама қилинади. Шу мақсадда Ҳамза номли санъатшунослик институтининг социология сектори кўрсатилган асарлар хусусида жамоатчилик фикрини сўраб билади. Томошабинларнинг якунловчи конференциясида кўрик ғолиблари аниқланади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон театрларининг регион фестивалида республикамиз ўзининг энг яхши спектаклини кўрсатади.

Театр байрамини уюштириш ва ўтказиш масалалари Ўзбекистон театр арбоблари союзида муҳокама қилинди, ушбу союз республика Маданият министрлиги ҳамда театр санъати тарғиботи Бутуниттифоқ ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон республика бўлими билан биргаликда фестивални ташкил этмоқда.

(ЎзТАГ).

